



Vaziyat

2023 йил
30 март
№ 13 (902)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

АЙЁМ ШУКУҲИ

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Марказий аппарати ҳовлисида Наврӯз байрамига бағишланган тадбир ташкил қилинди. Тадбирда ҳарбий хизматчилар, хизматчилар ва фахрийлар иштирок этдилар.



Тантана давомида ФВВ Академияси оркестрининг хушовоз хонандалари ва созандалари томонидан дилрабо куй-қўшиқлар ижро этилиб, иштирокчилар бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурдилар.

Шунингдек, тадбирда баҳорнинг шоҳ таоми – сумалак тайёрланиб, байрам дастурхонига тортилди.

ФВВ Матбуот хизмати.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 сентябрдаги “Ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан “Юксак жанговар рух – аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир!” шиори остида “Қўшинлар мадҳияси”, “Энг жанговар қўшиқ” ҳамда “Энг жанговар чақирик ва шиор” танловлари бўлиб ўтди.

Давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур танловларда жами 1178 нафар ҳарбий хизматчи, ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар янги ижод намуналари билан иштирок этдилар.

Мазкур танловларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академия-

си оркестр бошлиғи подполковник Комилжон Абдунабиев “Алоқачилар” деб номланган қўшиғи билан 1-ўринни қўлга киритиб, пул мукофоти ва махсус диплом билан таъдирланди.

Шунингдек, ушбу танловда ФВВ “Қамчиқ” махсус қидирув, ёнгин-қутқарув бошқармаси ходими оддий аскар Моҳичеҳра Мингбоева ҳам фаол иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллади.

Подполковник Комилжон Абдунабиев томонидан ижро этилган

ИЖОД ВА ЭЪТИРОФ



“Алоқачилар” қўшиғи Мудофаа вазирлигининг алоқа ва ахборотлаштириш тизимида кўп йиллар фидойи хизматлари сингган полковник Бекзод Аденов (охирати обод бўлсин) ташаббуси билан яратилган бўлиб, таниқли шоир Мирзо Карим қаламига мансуб.

Ҳамкасбларимизни мазкур ижодий ютуқлар билан самимий муборакбод этган ҳолда, келгусидаги хизмат ва ижодий фаолиятларида бундан-да юқори натижаларни кутиб қоламиз.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
“Vaziyat” мухбири.



САЙЁР ҚАБУЛ

Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Миллий гвардия, ФВВ ҳамда мутасадди идоралар мансабдор шахслари иштирокида сайёр қабул ташкил этилди.

Бош прокурор ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори Ботир Қудратходжаев иштирок этган мазкур сайёр қабулда ҳарбий хизматчилар ҳамда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-

қувватлаш, бандлигини таъминлаш масалаларига жиддий аҳамият қаратилди. Ўзларини қийнаётган муаммолар билан мутасаддиларга мурожаат этган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва бошқа фуқаролар мурожаатлари жойида ҳал этилди.



Шу билан бирга, Ботир Қудратходжаев томонидан Тошкент вилояти Миллий гвардияси бошқармасида ҳарбий хизматни ўташ учун яратилган шароитлар аҳволи ўргани-

либ, зарур тавсиялар берилди.

Шерзод ҲАЙИТОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Ҳарбий
прокурорининг катта
ёрдамчиси, адлия
полковниги.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Нукус ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат марказида ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда нафақадаги ҳарбийларнинг фарзандлари ўртасида “Ёш математик”, “Инглиз тили билимдони” ҳамда “Ёш рассом” йўналишлари бўйича кўрик-танлов ўтказилди.



Унда ҳарбий шаҳарчада жойлашган 44-сонли умумтаълим мактаби, Нукус “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 6-синфдан 11-синфгача бўлган ўқувчи-ёшлари қатнашиб, ўз билимларини синовдан ўтказишди.

“Ёш математик” ва “Инглиз тили билимдони” йўналишлари бўйича ғолиблар тест синовлари, “Ёш рассом” йўналишидаги ғолиблар эса “Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, Янги Ўзбекистони!” мавзусидаги суратларни қоғозга эркин чизиш орқали аниқланди.

Синов натижалари

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг мустақил экспертлари томонидан ҳолисона баҳоланди.

Танлов 2 босқичда ўтказилиб, дастлабки босқичда жами 397 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди. 2-финал босқичида “Ёш математик” ва “Инглиз тили билимдони” йўналишлари бўйича 45 нафар, “Ёш рассом” йўналишида 14 нафар ўқувчи иштирок этди.

Ғолибларга Нукус ҳарбий прокурори томонидан қимматбаҳо совғалар, диплом ва бадиий китоблар топширилди.

Дауран ТУРУМБАЕВ,
Нукус ҳарбий
прокурорининг
ўринбосари.

Наманган ҳарбий прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда Наманган ва Ғурумсарой гарнизонларида жойлашган Қурулли Кучлар таркибидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг билимга бўлган интилишлари ҳамда қизиқишларини янада рағбатлантириш мақсадида математика, инглиз тили ва иншоолар танлови ўтказилди.

ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Икки босқичда ташкил этилган танловда 6-синфдан 11-синфгача таълим олаётган 470 нафар ўқувчи-ёшлар қамраб олинди. Финал босқичида “Ёш математик” ва “Инглиз тили билимдони” йўналишлари бўйича 100, “Ватан тақдири менинг кўлимда” мавзусида иншо ёзиш бўйича эса 110 нафар ўқувчи иштирок этди.

Танлов кўтаринки руҳда ўтказилиб, синов натижалари вилоят халқ таълими бошқармаси экспертлари томонидан ҳолисона баҳоланди ва ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тадбир доирасида ёшлар билан учрашув ўтказилиб, унда Наманган вилояти ФВБ бошлиғи ҳамда Наманган ҳарбий прокурори иштирок этдилар. Улар ўзларининг ҳаёт тажрибалари ва кўникмалари билан ўртоқлашдилар.

Икромжон УЛКАНБОЕВ,
Наманган ҳарбий прокурорининг
ўринбосари.



Нукус ҳарбий прокуратураси томонидан Нукус шаҳрида жойлашган “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейи ўқувчилари иштирокида “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” шиори остида “Уч авлод учрашуви” ўтказилди.

Нукус ҳарбий прокурори Ш.Зоиров, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди судьяси У.Шокиров, Қурулли Кучлар фахрийлари иштирок этган ушбу тадбир давомида ёшлар билан турли мавзулар хусусида суҳбатлашилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўқувчиларга ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларидан сўзлаб беришди. Ёшлар

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиб, зарур маълумотларга эга бўлдилар.

Учрашув якунида юқори натижаларга эришаётган мактаб ўқувчиларига Нукус ҳарбий прокурори томонидан фахрий ёрлик ва китоблар топширилди.

Шавкат РАДЖАПОВ,
Нукус ҳарбий прокурорининг
катта ёрдамчиси.



ПИЧОҚ КЎТАРГАН ЭР

Инсонга шикаст етказиш жиноят. У кимга нисбатан қай ҳолатда содир этилмасин, оқлаб бўлмайдиган хатти-ҳаракат ҳисобланади. Фалончига жаҳл устида шикаст етказиб қўйганимни билмай қолибман, дейиш эса дунёқарашнинг нақадар торлигидан дарак.

Суд залида пушаймонликда ўтирган судланувчи Н. исмли шахс кунларнинг бирида турмуш ўртоғи М. билан оилавий келишмовчилик туфайли жанжаллашиб қолади. Аслида, бу ҳолатда

ҳар иккиси ҳам айбдор, эр-хотин жанжаллашмаслиги керак, дейдиганлар ҳам топилади. Хуллас, бўлар иш бўлди. Аниқроғи, эр-хотиннинг тортишуви баҳсга, жанжалга сабаб бўлди.

Ўзаро келишмовчилик шу даражага бориб етдики, эр қўлига пичоқ кўтаришгача борди.

— Қилмишимдан пушаймонман, — дейди суд мажлисида Нодир. — Жанжал вақтида аёлимга бир марта пичоқ санчиб олганимдан жудаям афсусдаман. Ўша кунги воқеада дарров эс-ҳушимни йиғиб олдим. Аёлимни олган жароҳати сабаб тезда шифохонага олиб бордим. Турмуш ўртоғимдан кечирим сўраганман. Ҳозирги кунда оилам билан тинч яшайман. Илтимос, енгиллик берсангиз, 4 нафар фарзандим бор.

Бир қарашда кимлар учун ҳаммаси яхшилик билан тугагандек. Бироқ, масаланинг маънавий-ахлоқий томонини ўйлаб айтганда воқеалар ривожини яхшилик билан тугаган экан, деб бўладими?

Мавзу доирасида анча гап айтиш, содир бўлган жиноят оилавий муҳитга, айниқса, вояга етаётган фарзандлар тарбиясига салбий таъсир қилмаган, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Боз устига, кеча пичоқ кўтарган эр бугун ё эртага бу жиноятни такроран содир этмайди, деб айтолмаймиз. Шу сабаб, айтиш кунда маънавий-ахлоқий мавзулардаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришимиз керак.

Фарҳод ҲАЙИТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Паркент туман суди раиси.

Yangiqo'rg'on tumani Madaniyat markazida tashkil etilgan ommaviy sayyor qabulda Namangan viloyati FVB boshlig'i general-mayor Qosimali Ahmedov va tuman hokimi o'rinbosari E.Xolmirzayevlar ishtirok etdilar.

MULOQOT



Tadbir viloyat FVB tizimida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari bilan ishlashni takomillashtirish, fuqarolar bilan ochiq muloqotni kengaytirish, ularning muammolarini hal etishga qaratilganligi bilan ahamiyatli bo'ldi.

Qabul davomida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatla-

ri, yoshlar, harbiy xizmatchilar hamda ularning oila a'zolarini huquq va erkinliklarini amalga oshirishda yordam ko'rsatish, muammollariga qonuniy yechim topish masalalari ilgari surildi.

A.ABDULLAYEV,
Yangiqo'rg'on tumani
FV bo'limi boshlig'i,
podpolkovnik.

O'zbekiston Milliy teleradiokompaniyasida ham "Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish va Fuqaro muhofazasi oyligi" doirasida targ'ibot-tashviqot ishlari boshlab yuborilgan.

BARDAVOM TADBIRLAR

O'zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi, FVD Tning hududiy quyi tizimlari rahbarlari buyurtmalari bo'yicha aholi va hududlarni favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish masalalariga oid teleko'rsatuvlar va radioeshittirishlarni tashkil etadi. Shuningdek, Sog'liqni saqlash vazirligi va O'zbekiston Qizil Yarim Oy jamiyati bilan birgalikda aholini dastlabki tibbiy yordam ko'rsatishga o'qitish bo'yicha ixtisoslashtirilgan eshittirishlarni tashkil etish kabi majburiyatlarni ham amalga oshiradi.

Ushbu vazifalarni ado etish yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi zimmasiga yuklatilgan bo'lib, mas'ullar tomonidan turli noxushliklarning oldini olishga qaratilgan qator profilaktik tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Obyektda favqulodda vaziyatlar yoki yong'in sodir bo'lganida harakatlanish tartibi bo'yicha amaliy mashq va mashg'ulotlar o'tkazish, odamlar ommaviy yig'iladigan maskanlarda yong'in-qutqaruv texnikalari va vositalarini namoyish etish ishlari rejalashtirib olingan.

R.ISMATILLAYEV,
O'zMTRK YXTTEB mutaxassisi, oddiy askar.

УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХА

Поп тумани Ғурумсарой ҳудудидаги "Янги Ўзбекистон" массивида бошланган дарахт экиш тadbиридида туман ҳокими — Фуқаро муҳофазаси бошлиғи Аъзамжон Султонов, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, туман ФВ бўлими шахсий таркиби қатнашди.

Шунингдек, жойларда қаровсиз ер майдонларини яшил ҳудудга айлантириш мақсадида кўчатлар экилиб, томчилатиб суғориш тизими яратилмоқда.

Маълумот учун, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг баҳорги мавсумида туман миқёсида ФВ бўлими шахсий таркиби томонидан 62 минг дона



Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти ФВБ ОАВ
ва ЖТБХҚГ
бошлиғи, капитан.

Ўткир ТУРДАЛИЕВ,
Поп тумани ФВ бўлими
бошлиғи,
подполковник.

манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларни экиш амалга оширилди. Ҳозирда бу каби лойиҳалар давом эттирилмоқда.

Бугунги кунда коррупцияга қарши кураш мақсадларига фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ўйлаймизки, бундай маънавий бузилиш ҳолатига қарши курашда нафақат давлат органлари, балки жамият ва барча фуқароларимиз масъулдирлар.

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Шу боис, Тошкент шаҳар ФВБ туман ва объектларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўлимлари шахсий таркиби ўрта-сида порахўрликнинг олдини олиш, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда тамагирлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Тадбирларда коррупция фаолияти хуфёна иқтисодиётнинг асосий турларидан бири эканлиги, давлат хизматчилари томонидан шахсий манфаатларни кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида халқдан пора олиш, қонунга хилоф пул даромадларини қўлга киритишга йўл қўймаслик кераклиги тушунтирилмоқда.

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, коррупция — мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир.

Демак, давлат ва жамият, шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари бундай иллатнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Шундагина самарали натижаларга эришиш мумкин.

Ш.ЭСОНОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ
шахсий хавфсизлик
бўлими бошлиғи,
подполковник.

TRENING

FVV Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi instituti boshlig'i o'rinbosari polkovnik F.Abdikadirov hamda katta o'qituvchi A.Nurmatovlar boshchiligidagi Samarqand viloyati FVB Hayot faoliyati xavfsizligi o'quv markazi o'qituvchilari tomonidan Bulung'ur tumanidagi 17-, 25-umumta'lim maktablarining pedagog xodimlari ishtirokida favqulodda vaziyatlarda shaylikni oshirish va ularda harakatlanish bo'yicha nazariy va amaliy trening o'tkazildi.

Mazkur tadbir davomida maktablar jamoasining favqulodda vaziyatlar vaqtidagi o'rni, ichki komissiyalarning roli va harakatlari bo'yicha ma'ruzalar o'qildi.

A.TURDIQULOV, S.ADILOV,
Samarqand viloyati FVB HFXO'M o'qituvchilari.

ТАРФИБОТ

Янгиҳаёт тумани ҳудудидаги давлат та-сарруфидаги объектларда, жумладан, мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш масканлари, аҳоли яшаш жойлари, техникум ва университетларда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга оид учрашув ва амалий машқлар ўтказиб борилмоқда.

Мазкур тадбирларда табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф қилиш бўйича тушунчалар, зарур тавсия ҳамда кўрсатмалар берилмоқда.

Саидмансур
ТУРСУНОВ,
Янгиҳаёт тумани
ФВ бўлими бошлиғи,
подполковник.

УНИВЕРСИТЕТДА МАШҒУЛОТ



Тадбирлар да-вомида мутахас-сислар томонидан табиий офатлар ва улар юзага келганда тўғри ҳаракатланиш юзасидан билимлар берилди.

Л.ГАЛИМОВА,
ФВБ Академияси
катта ўқитувчиси.
М.ИКРОМОВ,
ФВБ Академияси
ҳузуридаги
ФМИ ходими,
капитан.

ФВБ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари ҳамда ҳарбий хизматчилари иштирокида Тошкент давлат юридик университетида "Зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан кейин ҳаракат қилиш", "Зилзила оқибатида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш" каби мавзуларда амалий машғулотлар ўтказилди.

YOSHLAR BILAN UCHRASHUV

Xonqa tumani FV bo'limi tomonidan "Favqulodda vaziyatlardan muhofaza qilish va fuqaro muhofazasi oyligi" doirasida "Obod" mahallasidagi 29-umumta'lim maktabida o'quvchi-yoshlar bilan favqulodda vaziyatlarning oldini olish, bartaraf etish hamda yong'in xavfsizligini ta'minlash yuzasidan uchrashuv tashkil etildi.

Tadbir davomida o'quvchilar bo'lim yong'in-qutqaruv qismi maxsus texnikalari hamda asbob-anjomlari bilan tanishdilar.

R.QADAMBOYEV,
Xonqa tumani FV bo'limi xodimi.

TAHLIL VA TAVSIYA

Olmazor tumani FV bo'limi hamda Qizil Yarim Oy jamiyati hamkorligida 111-umumta'lim maktabida zilzila vaqtida harakat qilish hamda jabrlanganlarga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish yuzasidan amaliy-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.



Shuningdek, tadbirida is gazidan zaharlanishning oldini olish, gaz-havo aralashmasining chaqnashi hamda yong'inlarning kelib chiqishiga yo'l qo'ymaslik, sel kelishi, qor ko'chishi, kuchli shamol esishi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarda aholini xavfsiz joylarga ko'chirish, faqulodda vaziyat oqibatlarini bartaraf etish to'g'risida tushuntirish ishlari amalga oshirildi.

Maktab hududida gaz va elektr toki tarqatish punktlari mavjud bo'lib, tuman elektr tarmoqlari korxonasi rahbariyatiga ularni o'rganib, tekshirib chiqish yuzasidan taqdimnoma kiritish lozimligi qayd etildi.

Bundan tashqari, maktab hududidagi gaz tarqatish qutilari, oshxonalarni ko'zdan kechirish, profilaktik tadbirlarni amalga oshirish, suv havzalari, ariqlar va drenajlarni doimiy ravishda tozalash yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

Shuningdek, maktab atrofida o'zboshimchalik bilan qurib olingan temir panjara, ovqatlanish maskanlari, yo'lga chiqarilgan soyabonlar va noqonuniy qurilmalarni bartaraf etish bo'yicha ko'rsatmalar berildi.

Muzaffar MURODOV,
Olmazor tumani FV bo'limi PvaNB
inspektori, katta leytenant.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 2-БЎСМда “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида мусобақанинг туман bosқичи бўлиб ўтди.

БЕЛЛАШУВ

Унда жамоалар фавкулдда вазиятларга оид саволларга жавоб бериш, тез-тиббий ёрдам кўрса-тиш, қутқарув арқони ёрдамида 6 метрлик масофани босиб ўтиш, қутқарувчинин ҳаракатларини бажариш ҳамда қутқарув асбоб-анжомларидан фойдаланиш ва ёнғин ўчириш эстафетаси йўналишлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Якуний натижаларга кўра, мактаб жамоалари ўртасида 1-ўринни 158-умумтаълим мактаби, 2-ўринни 154-умумтаълим мактаби ҳамда 3-ўринни 110-умумтаълим мактаби жамоалари қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Обиджон ҚОДИРОВ,
Миробод тумани ФВ бўлими инспектори,
капитан.

QIZG'IN BAHSLAR

Qashqadaryo viloyati FVB va uning quyi tuzilmalarida “Yosh qutqaruvchi” musobaqalari tashkil etib kelinmoqda.

Jamoalar beshta shart nazariy savol-javob, birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, shartli daryo ustidan arqon bilan o'tish, balandlikka ko'tarilish va yong'in o'chirish estafetasi shartlari bo'yicha o'zaro bellashdilar.

G'olib jamoalarga musobaqaning viloyat bosqichida ishtirok etish yo'llanmasi topshirildi.

Ulug'bek JUMANOV,
Qashqadaryo viloyati
FVB matbuot xizmati
xodimi.



ҲАМКОРЛИК

Яккасарой туманида жойлашган 59-оилавий поликлиникада “Аҳоли ўртасида Крим-Конго геморрагик иситмаси касаллиги тарқалишининг олдини олишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машғулотли бўлиб ўтди.

Назарий ва амалий қисмларда ўтказилган тадбирлар давомида қўйилган вазифалар ва мақсадга эришилди, кўникмалар мустаҳкамланиб, малакалар оширилди.

3.ЭРГАШЕВ, Тошкент шаҳар ФВБ РКваТБМТЭ бўлими бошлиғи, капитан.

YOSH QUTQARUVCHILAR

Yangiariq tumanidagi umumta'lim hamda kasb-hunar maktablari jamoalari o'rtasida “Yosh qutqaruvchi” ko'ngillilar klublari musobaqasi-ning tuman bosqichi bo'lib o'tdi.



Унда umumta'lim maktablari jamoalari ishtirok etdilar. Yosh qutqaruvchilar favqulodda holat sodir bo'lganda harakat qilish tartibi, jabrlangan insonga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish, qutqaruv arqonini bog'lash usullari bo'yicha bellashdilar.

Baholash natijasiga ko'ra, maktablar o'rtasida 24-umumta'lim maktabining “Qalqon” va kasb-hunar maktablari o'rtasida 2-kasb-hunar maktabi jamoalari g'olib deb topilib, musobaqaning viloyat bosqichiga yo'l oldilar.

G'olib jamoalar hamda faol ishtirokchilar tuman FV bo'limi va xalq ta'limi bo'limi tomonidan 1-, 2-, 3-darajali diplom va esdalik sovg'alar bilan taqdirlan-dilar.

Abdusharip MAMATSAPAYEV,
Yangiariq tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, leytenant.

O'QUV MASHQI

Mirzacho'l tumanida “Odamlar va hayvonlar o'rtasida quturish kasalligi tarqalishining oldini olishda FVDТ xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Унда viloyat FVB, SSB, IIB, Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi boshqarmasi, Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish, Veterinariya boshqarmalari hamda tuman FVDТ xizmatlarining mas'ul xodimlari ishtirok etdilar.

Tadbinning birinchi bosqichi davomida o'rganuvchilarga quturish kasalligining oldini olishda muhofazalanish qoidalari, kasallik belgilari, boshqa kasalliklardan farqlash tamoyillari, davolash usullari, kasallik aniqlanganda, tegishli idoralarga axborot yetkazish, mutasaddi xizmatlarning hamkorlikda amaliy harakatlari bo'yicha profilaktik tadbirlarni to'g'ri tashkil etish yuzasidan

ma'ruzalari tinglanib, mavzuga oid slayd va videoroliklar namoyish etildi.

Nazariy qism yakunida sohaga oid me'yoriy-huquqiy hujjatlar talablari, quturish kasalligining tarqalishi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish yuzasidan tinglovchilarning savollariga javob berildi.

Ikkinchi bosqichda, ya'ni amaliy qismda viloyat, tuman FVDТ xizmatlari kuch-vositalarining saf ko'rigi o'tkazildi. Shuningdek, xizmatlarning maxsus texnikalari, asbоб-anjomlarining sozligi o'rganilib, zaruriy tavsiyalar berildi. Tuman “Mustaqillik” MFYda shartli ra-



vishda qarovsiz itdan jabrlanish holati bo'yicha Tibbiyot birlashmasi shifokorlari harakati amalda ko'rsatildi va bemorni qabul qilish, quturish kasalligining birlamchi klinik belgilarini aniqlash, xabar berish tizimiga muvofiq holat yuzasidan axborot berildi.

Maslahat guruhining harakatlari — bemorni malakali mutaxassis tomonidan qo'shimcha tibbiy ko'rikdan o'tkazish, epidemiologik anamnez yig'ish (o'rganish), laboratoriya tekshiruvlari uchun sinamalar olish, bemorga dashtabki tashxis qo'yish, bemorning ahvoliga ko'ra, davolash muolajalari tashkillashtirildi.

Tibbiyot xodimlari va salomatlik markazi xodimlari tomonidan uyma-uy kirilib, surishtiruv, targ'ibot va tashviqot ishlari namoyish etildi. Aholi xonadonlarida uy hayvonlari, jumladan, itlar tomonidan tishlanishlarni aniqlash borasida so'rab-surishtirish ishlari o'tkazildi va aniqlangan jabrlanuvchilar tuman Tibbiyot birlashmasiga yuborildi.



Veterinariya xizmati tomonidan aholi xonadonlaridagi uy hayvonlarini quturish kasalligiga qarshi emlash, pasportlar berish jarayonlari ko'rsatilib, xonadon egalari it saqlash qoidalariga to'g'risida tushuntirish ishlari olib borildi. Tuman obodonlashtirish bo'limi qoshidagi it tutish guruhi tomonidan qarovsiz qolgan hayvonlarni tutish, saqlash tartibi tushuntirilib, mavjud jihozlar ko'rikdan o'tkazildi.

B.MIRZAQOBILOV,
Jizzax viloyati FVB bo'lim boshlig'i.

D.XUDOYBERDIYEV,
Mirzacho'l tumani FV bo'limi
boshlig'i.

ВАЗИР РАХБАРЛИГИДА

“Қамчиқ” довонида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича Республика идоралараро штаби раҳбари ўринбосари – Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев раҳбарлигида Штаб иши ташкил этилиб, бир қатор ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилди.

Мазкур тадбирлар давомида “Қамчиқ” МКҲБ, қор кўчиси станцияси, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш “Фарғона” станцияси, “Қамчиқавтойўл”



да мониторинг, кузатув ишлари олиб борилди ва хавфсизлик чоралари кўрилди.

“Қамчиқ” довони ҳудудида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш, транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатини таъминлаш юзасидан ҳамкорликдаги хизматларнинг “Юқори тайёргарлик режими”даги хизмати ташкил этилиб, профилактик тадбирлар олиб борилди.

Ҳозирда довонда фаолият юритаётган 15 та механизациялашган назорат-кузатув гуруҳларида Фавқулдда вазиятлар, Ички ишлар вазирликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси ходимлари томонидан

туну кун навбатчилик олиб борилмоқда. Мазкур гуруҳлар таркибига ФВДТ хизматлари ва куч тузилмаларидан жами 657 нафар ходим, 220 та техника жалб этилган.

Шунингдек, автомобиль йўлининг 222,2 - 248,9 км.лар оралиғидаги хавфли участкаларни кузатиш мақсадида ўрнатилган жами 76 та кузатув камералари орқали йўлнинг ҳолати, транспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ҳаракатланиши доимий кузатиб борилган.

Тадбирлар якунида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

А.ҚУДРАТОВ,
“Қамчиқ” МКҲБ
бўлим бошлиғи,
кичик сержант.

Маълумки, сел ва сув тошқини билан боғлиқ фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ҳудудларда бундай табиий офатни хатарсиз ўтказиб юборишда муҳим аҳамият касб этади.

ҚИРҒОҚ МУСТАҲКАМЛАШ



Шу мақсадда Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани “Бешбой” ва “Жанғабай” маҳаллалари ҳудудидан оқиб ўтувчи “Полвонов” номли Тошкент магистрал каналининг 1200 км.гача ўнг ва чап қирғоқларини бетон қопламалари билан реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Ш.ЎЗГАНОВ,
Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

А.ЗОКИРОВ,
бўлинма инспектори, катта сержант.

АРМРЕСТЛИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Тошкент шаҳрида Армрестлинг спорт тури бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида шаҳар чемпионати бўлиб ўтди. Қизғин ва мурасасиз кечган мусобақада пойтахтимиздаги барча болалар ва ўсмирлар олий маҳорат спорт мактаблари, Мудофаа вазирлиги спорт маркази ва Божхона институти ҳамда Фавқулдда вазиятлар вазирлиги терма жамоалари, шунингдек, 100 нафардан ортиқ спортчилар турли вазн тоифаларида ўзаро беллашдилар.

Мазкур мусобақада ўнг қўлда 1-ўринни, фаол иштирок этган катта лейтенант Одил ФВВ Академияси жамоасидан подполковник Сайфиддин Жумаев 90 кг. вазн тоифасида

мунг қўлда 75 кг. вазн тоифасида 1-ўринни, 4-босқич курсантлари Юсуф Сайфуллаев ўнг қўлда 1-ўринни, Синдор Усмонов чап қўлда 70 кг. вазн тоифасида 2-ўринни, Муҳаммад Нарзуллаев ўнг қўлда 80 кг. вазн тоифасида 3-ўринни, Неъмат Бешимов чап қўлда 80 кг. вазн тоифасида чап қўлда 2-ўринни, Худоёр Хамидуллаев чап қўлда 75 кг. вазн тоифасида чап қўлда 2-ўринни,

3-босқич курсантлари Самандар Солибоев 90 кг. вазн тоифасида чап қўлда 3-ўринни, Юнус Эламасов 65 кг. вазн тоифасида чап қўлда 2-ўринни 2-босқич курсантлари Шоҳжаҳон Наврўзов ўнг қўлда 60 кг. вазн тоифасида 3-ўринни, Ислон Ибодов ўнг қўлда 70 кг. вазн тоифасида чап қўлда 2-ўринни, Достон Ҳамрақулов чап ва ўнг қўлда 70 кг. вазн тоифасида 1-ўринни эгалладилар.



Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан диплом, медал ва қимматбаҳо эсдалик совға-

лари билан тақдирландилар.

Фарҳоджон ХОЖАЕВ,
ФВВ Академияси катта ўқитувчиси, майор.

КЎРИК-ТАНЛОВ

Булунғур тумани ҳокимлиги, фавқулдда вазиятлар бўлими, тиббиёт бирлашмаси, спорт бўлими, ёшлар ишлари агентлиги, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари ўртасида мусобақанинг туман босқичи ташкил этилди.

Беллашувда ҳудудий босқичда юқори кўрсаткичларни қайд этган 8 та жамоа қатнашди. Мурасасиз кечган баҳслар якунига кўра, 12-умумтаълим мактаби жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиб ҳамда совриндорлари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Камол ТАНГИҚУЛОВ,
Булунғур тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.



“Қамчиқ” довони ҳудудида ташкил этилган тошқинга қарши ҳукумат комиссиясининг идоралараро Тезкор штаби аъзолари томонидан автомобиль йўлининг 185-274 км оралиғидаги геологик ва гидрометеорологик хавфли участкаларда амалга оширилган муҳандислик-ҳимоя тадбирлари ўрганиб чиқилди.



Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида альпинист-қутқарувчилар томонидан 4 н 712 и автомобиль йўлининг «Эртош» қишлоғига кириш қисмидаги тоғ қияликларида йўлга хавф солувчи номустаҳкам тошларни хавфсиз тушириш тадбирлари ва автомобиль йўлининг 200-235 км.даги кюветларни тозалаш ишлари бажарилмоқда.

Тадбирларда “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК, “Қўқон МТЙУ” ПЧ-3 ишчи-ходимлари билан биргаликда қутқарувчилар ҳам мавсумни беталофат ўтказиш бўйи-

ча профилактик тадбирларда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Тадбирлар давомида автомобиль йўлининг 185-220 км. оралиғидаги савдо расталари, ошхоналар ва дам олиш масканларида Оҳангарон ҳудудга таъминоти ходимлари билан ҳамкорликда рейд тадбирлари ўтказилди.

Ш.ҚУДРАТОВ,
“Қамчиқ” МКҲБ КТ ва МИБ бошлиғи ўринбосари ФВПБ бошлиғи, катта лейтенант.

HARBIY TAYYORGARLIK

Favqulodda vaziyatlar vazirligi Akademiyasi huzuridagi Fuqaro muhofazasi institutida malakali ofitserlar hamda mutaxassislar tomonidan “Favqulodda vaziyatlarda aholi xavfsizligi” mutaxassisligi bo'yicha tahsil olayotgan 1-bosqich magistratura tinglovchilari bilan “Harbiy tayyorgarlik” fanidan o'q o'tish tayyorgarligi bo'yicha amaliy mashg'ulotlar o'tkazildi.

Ushbu mashqlar davomida o'q o'tish qurollarining taktik-texnik imkoniyatlari, qismlarga ajratish hamda yig'ish vazifalari bajarildi.

SH.XALIKOV,
FVV Akademiyasi huzuridagi FMI kafedra boshlig'i, polkovnik.
B.YULDASHEVA,
fakultet boshlig'i, podpolkovnik.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЧЕКИНДИ,

ЛЕКИН БИЗ БУНГА ЖИМ ҚАРАБ ТУРИШ ЙЎЛИНИ ТУТМАДИК

ПРЕЗИДЕНТ
ТАШАББУСЛАРИ – АМАЛДА

Биз меҳмонхонасига қалдирғоч ин солса эшигини ойлаб тамбаламаган халқмиз. Бир дарахтни кесса ўрнига ўнта кўчат қадайдиган элмиз. Ота-боболаримиз ўзларини табиат билан ҳеч қачон айро тасаввур қилмаган.

Орол денгизи. Бир пайтлар бу ерда мовий кенглик оҳиста чайқалар, баъзан сув кўкка кўтарилиб ўзини заминга қайта ташлар эди. Денгиз, қушлар ва қирғоқдаги балиқчиларнинг шовқини бир-бирига қоришиб кетарди. Бир қарашда буларнинг юраклари биттадай, бир бутундай туюларди.

Унча узоқ бўлмаган даврларда халқнинг ризқу насибаси бўлган Оролимиз бугун хаста. Дардига малҳам қўйишга ҳаракат қилаётганларни жим кузатмоқда.

Суви тортилиб кетган майдонлардан кўтарилаётган қум, туз, чанг заррачалари атрофга сочилади. Ер қор ёққандай оқариб қолади. Бир вақтлар билиб-билмай табиатнинг тартиб-қоидаларига аралашилди, дарёлар сувининг йўли тўсилди. Оқибатда денгиз биздан узоқлашди. Чекинган денгизга эса ортиқ шунчаки қараб туриб бўлмасди. Биз бундай йўл тутмадик.

ҲИМОЯ ЎРМОНЗОРЛАРИ
БАРПО ЭТИШ ИШЛАРИ ҚИЗГИН
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бу йил юз минг гектар майдонда яшил қопламалар ҳосил қилиш мақсад қилинган. Одатдагидай жорий йилда ҳам минглаб техникалар, тўртта кичик авиация транспорти, икки минг беш юздан ортиқ одам ўрмонлаштириш юмушларини амалга оширмоқда.

Бу иш учун тўрт юз йигирма тонна саксовул, қандим, қорабуруқ каби чўл ўсимликларининг уруғи жамғарилмоқда. Юз гектар майдонда эса саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан кўчатхоналар ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Оролнинг қуриган майдонларида бу йилги саксовул экиш мавсуми февраль ойидан бошлаб юборилган. Бугун эса бу ерда ўрмон плантацияларини яратиш жараёни қизгин паллада.

Ўрмонлаштирилаётган ҳудуд жуда катта, буни ҳисобга олган ҳолда асосий ишлар бир қатор ресурслар имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда бажарилади. Иш жараёнига авиация, қишлоқ хўжалигининг замонавий техникалари жалб қилинган. **Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари мутахассислари, олимлар иш жараёнини назорат қилмоқда.**

Бу хайрли иш учун кенг жамоатчилик вакиллари, турли идора ва муассаса ходимлари, ёшлар кўмак беришни исташади. Бугун Оролбўйи кенгликларида кўнгилли ҳашарчилар-

ни учратиш табиий ҳолга айланган.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси аъзолари, бир қатор олий таълим муассасалари талабалари кенг кўламли кўкаламзорлаштириш ишлари марказида бўлишди. Бу ерга келганлар яшил қопламалар ҳосил қилишдек эзгу ташаббусга ўз ҳиссаларини қўшишди.

– Биз, ёшлар бу ерга тез-тез келишга ҳаракат қиламиз, – дейди Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси Айгерим Элтаева. – Оролнинг қуриган кенгликларидида жуда катта жамоа, куч ишламоқда. Уруғлар асосан самолётларда сепилаётганини кўриб турибмиз. Айтишларича, бир парвознинг ўзида юзлаб гектар майдонга уруғ қадалмоқда. Кўчатларни қўлда экишнинг ҳам самараси катта эканини яхши биламиз. Бу жараёнда биз ҳам қатнашяпмиз. Яхши ишга бош қўшаётганимиздан хурсандмиз. Экаётган кўчатларимиз табиатни, одамлар саломатлигини асрашга хизмат қилишини ҳис этиш завқли. Келгусида бу меҳнатлар ўз самарасини беришига ишонамиз.

Шавкат Мирзиёев 2018 йил Мўйноққа ташриф буюрди. Ўшанда олимлар билан маслаҳатлашилди. Орол денгизининг суви қуриган кенгликларидида шўрга чидамли ўсимликлар экиш вазифаси белгиланди. Буни хайрли ишнинг старт олган йили, дейиш мумкин.

Бугунгача сувсиз, Оролқум, деб атала бошланган 1 миллион 700 минг гектар майдонда ўрмонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

ХАЛҚАРО МИНБАРЛАРГА ОЛИБ
ЧИҚИЛГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Давлатимиз раҳбари 2017 йил Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида Орол фожиасига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Қатор ташаббусларни илгари сурди. Яхши ниятлар эса халқаро даражада қўллаб-қувватланди. Бир йил ўтиб Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондига асос солинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил БМТ Бош Ассамблеясининг видеоконференция шаклида ўтган 75-сессиясидаги нутқида ҳам Оролбўйи минтақасидаги экологик муаммага тўхталди. Давлатимиз раҳбари ўшанда Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилишни таклиф этган эди. Ушбу резолюция 2021 йил олтмишта давлат томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Бундан ташқари, халқаро саммитларда бу бўйича муҳим таклифлар ўртага ташланди. Ички имкониятларимизга таянган ҳолда амалий



ишлар олиб борилишига эътибор қаратилди.

Минтақадаги экология шу муаммага бевосита боғлиқ экани кундек равшан. Табиат билан ҳисоблашмаслик, унга қулоқ тутмаслик нима оқибатларга олиб келишини Орол фожиаси яққол кўрсатди. Икки йирик сув манбаи – Амударё ва Сирдарё сувининг тўсилиши бизни Орол денгизидан узоқлаштириб юборди. Чўлланиш тезлашиб, ўсимлик ва ҳайвот дунёси камайиб кетди. Одамлар турмуш-тарзи қийинлашди.

Оролбўйидаги экологик муаммоларни юмшатиш, аҳоли яшаш шароитини яхшилаш масаласи давлат раҳбарининг бежиз эътиборида эмаслигини англаш қийин эмас.

Ўтган йилнинг февраль ойида Президент Шавкат Мирзиёев Орол денгизининг қуриган жойига шахсан ўзи борди. У ердаги вазиятни кўрди, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шавкат Мирзиёев ўшанда мураккаб шароитда экин етиштириш бўйича катта тажриба орттирилгани, эндиги ишларни илмий асосланган тарзда давом эттириш лозимлигини таъкидлаганди.

Шундан келиб чиқиб, истиқболда бу ерда ҳудуд тупроғига мос навлар яратиш, кейинги босқичда чорвачиликни ривожлантириш бўйича амалий ишлар қилинади.

Яқинда БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида тузилманинг Сув масалалари бўйича конференцияси ўтказилди. Унда 2030 йилга қадар барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида обиҳаёт орқали дунёни бирлаштириш, сайёрамиз фаровонлигида денгиз ва океанларнинг аҳамияти, бу борадаги глобал ташаббуслар илгари сурилди. Бу ташаббуслар эса БМТга аъзо барча мамлакатлар, ихтисослашган идора-лар томонидан нуфузли спикерлар иштирокида кўриб чиқилди.

Конференция ишида тузилмага аъзо мамлакатлар қаторида юрти-миз делегацияси ҳам иштирок этди. Юқори даражадаги ялпи мажлисда мамлакатимиз делегацияси аъзоси

Саида Мирзиёева нутқ сўзлади. БМТ минбаридан Орол денгизи фожиасининг оқибатлари, уларни юмшатиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва бу борадаги халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда мамлакатимизнинг етакчилиги хусусида сўз юритилди.

ЭЗГУ ТАШАББУСНИНГ КўЛАМИ
КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистонда сўнгги йилларда экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистонда ҳам муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдонини кенгайтириш доимий эътиборда. Шу мақсадда Қўнғирот тумани ҳудудидан майдони 280 минг гектарлик “Борсаке-лес” давлат буюртма қўриқхонаси, Мўйноқ тумани ҳудудидан майдони 1 миллион гектар бўлган “Аралқум” миллий табиат боғи ташкил этилди. Натижада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 3,5 миллион гектарга етказилди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида эса Қорақалпоғистонда жами 14 миллион 300 тупдан ортиқ дарахт ҳамда бутали ўсимликлар кўчати экилди. Туманларда 16 та ўрмон хўжалигида 250 гектар майдонда кўчатхона ташкил этилди.

Нукус шаҳри ва туманларда қарийб 65 гектар майдонда яшил боғлар, 101 гектардан ортиқ майдонда яшил жамоат сайилгоҳларини ташкил этишга киришилгани қувонарли.

Орол денгизини яна сувга тўлдириш имконсиз бўлиши мумкин, лекин қолганини асраш, экологик мувозанат яратиш, одамлар турмушини яхшилаш бўйича жуда катта иш кетаётгани қувонарли.

Икром АВВАЛБОВЕВ,
Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбирлари



ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

“Uzbekistan Airports” АЖ объектларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўлими ходимлари томонидан қурилиш майдонларида қурувчи, газ ва электр пайвандчилари иштирокида ёнгин хавфсизлиги қоидалари юзасидан машғулот ва йўриқномалар ўтказилиб, ишчи ва хизматчилар билан суҳбатлар уюштириб келинмоқда. Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган ёнгинга қарши тадбирларнинг тўлиқ ҳамда сифатли бажарилиши назоратга олиниб, аниқланган камчиликлар бўйича пудратчи ташкилотларга Давлат ёнгин назорати органи-

нинг ёзма кўрсатмалари тақдим этилмоқда.

Туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли халқаро аэропортларда фуқароларни қабул қилиш учун янги аэровокзал биноларини қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари босқич-ма-босқич амалга оширилаётган бир пайтда, мазкур қурилишларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида доимий равишда профилактик ишларни олиб бориш муҳим вазифа ҳисобланади.

М.УСМОНОВ,

ФВВ «Uzbekistan Airports» АЖ ЁХТБ бошлиғи, подполковник.

ТАЛАБАЛАР БИЛАН СУҲБАТ

ФВВ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти профессор-ўқитувчилари томонидан Тошкент кимё-технология институтининг “Ноорганика” факультети талабалари иштирокида сел, сув тошқини, қор кўчкиси, кучли шамол, кучли зилзила вақтида тўғри ҳаракат қилишга оид мавзуларда профилактик суҳбат ўтказилди.

Тадбир давомида табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган муҳофаза тадбирлари, шунингдек, бундай фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганда ва содир бўлганда аҳолининг тўғри ҳаракат қилиши хусусида батафсил маълумотлар берилди.



Х.АЗИМОВ,
ФВВ Академияси ҳузуридаги
ФМИ катта ўқитувчиси.



БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Бугун аланга сабаб юз бераётган фожиалар, ёнгинларнинг олдини олиш катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда ўтказилаётган учрашувларда ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари кўргазмалар тарзда намойиш этилмоқда. Болалар иштирокида содир бўлаётган фожиалар ва олов қурбонига айланаётган фарзандлар тақдири ташвишли ҳолдир.

Катталар томонидан вақтида олиб ташланмаган чиқинди, ахлатлар, қурилиш ишларидан сўнг қолиб кетган вагонлар, гаражлар орқасида тўпланиб қолган хазонлар болалар диққатини ўзига тез тортади. Оқибатда, болалар гугурт ўйнаб, ўзлари билмаган ҳолда катта ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Бунга Тошкент шаҳри Чилонзор туманида қад ростлаган уйлар орасида содир бўлган ёнгинни мисол қилиш мумкин. Мактабдан қайтаётган болалар гаражлар орасида йиғилиб қолган хазонларни ёқиб юборган. Аланга катталашиб, натижада ёнгин келиб чиққан. Кўриниб турибдики, бу фожага болаларни назорат қилмаслик сабаб бўлган.

Фалокат оёқ остида, деб бежиз айтишмайди. Агар ҳар доим сергак бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсак, муаммолар туғилишига йўл қўймаган бўламиз.

Дониёр ҲУСАНОВ,
Чилонзор тумани ФВ бўлими
мутахассиси, оддий аскар.

Шофиркон тумани ФВ бўлими, туман электр ва газ таъминоти корхоналари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳи ҳудуддаги кўп қаватли аҳоли турар жойлари ҳамда “Мирзокул” МФЙдаги хонадонларда бўлди.

ПРОФИЛАКТИКА

Мазкур тадбир давомида аҳолининг фикр-мулоҳазалари тингланди. Хонадонлардаги иситиш тизими билан яқиндан танишилди, печлардан фойдаланиш тартиби кўздан кечирилди, газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилди ҳамда хонадонлардаги носоз газ плиталарининг чилангарлар томонидан тузатиб берилиши таъминланди. Шунингдек,

аҳолига ёнгин хавфсизлигига оид эслатма материаллар тарқатилди.

Ўрганишлар давомида электр таъминоти корхонаси томонидан кўп қаватли уйлардаги мавжуд электр тарқатиш нуқтасининг созлик ҳолати ҳам кўздан кечирилди.

Ҳомид ТЎРАЕВ,
Шофиркон тумани ФВ бўлими
бошлиғи ўринбосари, капитан.

Қашқадарё вилоятининг барча туман ва шаҳарлари ҳудудида жорий йилнинг 1 мартдан 1 апрелга қадар “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва Фуқаро муҳофазаси ойлиги” доирасида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

ФАОЛЛИК БИЛАН



Ўтказилаётган тадбирлар давомида сел-тошқин мавсумини беталафот ўтказиш, ис газ билан боғлиқ чақнаш ҳолатларининг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, пиёда ва техникалар ҳаракатини барқарорлаштириш, ботулизм, овқатдан заҳарланиш, кутуриш, Қрим-Конго касаллиги тарқалишининг олдини олиш, дарё ва сув ҳавзаларида қирғоқ-

ни мустаҳкамлаш ва ўзани тозалаш бўйича махсус-тактик ўқув машқлари ташкиллаштирилмоқда. МФЙ раислари, мутасадди ташкилот вакиллари иштирокида мунтазам равишда профилактик тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар, айниқса, аҳоли яшаш пунктларида кенг қамровли тушунтириш ишлари ҳозирда давом эттирилмоқда.

А.АСАДУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти ФВБ бўлим бошлиғи, подполковник.
Ўткирбек ЮЛДАШЕВ,
Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, майор.

МАСЪУЛИЯТ ВА БУРЧ

Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ ходимлари иштирокида Олмазор тумани “Умид” МФЙда ёнгинлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга бағишланган тарғибот тадбирлари амалга оширилди.

Мазкур тадбирларда иштирокчиларга табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда тўғри ҳаракатланишга оид маълумотлар тақдим қилиниб, кўргазмалар материаллар тарқатилди.

Ш.АРТИКБАЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ ЁХТТЭБ
мутахассиси, оддий аскар.

ОГОҲЛИК

Бугунги кунда ҳар қандай вазиятга тайёр туриш ва унинг олдини олиш учун ҳукуратимиз томонидан турли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, “Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва Фуқаро муҳофазаси ойлиги” доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ФВ бўлими томонидан профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Айни тадбирлар давомида туман ҳудудида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида, халқ таълим бўлимига қарашли мактабларда ҳамда барча ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда ишчи-хизматчилар, ўқитувчи ва ўқувчилар билан сел, сув тошқини, овқатдан заҳарланиш ҳодисаларининг олдини олиш ва бошқа мавзуларга бағишланган суҳбатлар ташкиллаштирилмоқда.

Иккита мактаб ва битта ишлаб чиқариш корхонаси жамоалари машғулотларни ўз муддатида ва камчиликларсиз бажарганлиги учун туман фавқулодда вазиятлар бўлими томонидан рағбатлантирилди.

Айдос ЕСНАЗАРОВ, Чимбой тумани
ФВ бўлими бўлинма бошлиғи,
катта лейтенант.

Бу қизик

ТАҚВИМЛАР ХУСУСИДА



Йил, ой, ҳафта ва кунлар ҳисобини юритиш тизими арабчада тақвим (тўғрилаш, тўхтатиш, баҳолаш сўзларидан олинган), лотинчада календарь (аслида “қарз дафтари”дан келиб чиққан) деб аталади. У қуёш, ой ва сайёраларнинг ҳаракати, кун билан тун алмашинуви, ой ўзгариши ва йил фаслларининг даврий равишда тақорланишига асосланади.

Ўтмишда муҳим воқеа-ҳодисаларни бир ипга кетма-кет тизиб чиқишда асқатадиган тақвимлар ва тақвимбошилар кўп бўлган. Ҳар қайси миллат ўз ижтимоий-сиёсий фаолиятидаги энг жиддий тарихий эврилишлар даврини ўзи учун бошлангич деб билган.

Тақвимнинг асосий бирлиги йил бўлиб, у ойларга, ойлар эса кунларга ажратилади. Йил Ернинг Қуёш атрофида, ой Ойнинг Ер атрофида, кун Ернинг ўз ўқи атрофида айланишига қараб аниқланади. Табиийки, бу астрономик жараёнлар анча мураккаб кечади. Шу боис йилни ойларга, ойларни кунларга тақсимлаш масаласи азалдан турли халқларда

ҳар хил йўсинда ҳал этилган ҳамда шамсий, қамарий ва шамсий-қамарий тақвимлар яратилган.

ШАМСИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Шамсий (арабча – “қуёшга оид”) йил ҳисоби дастлаб қадимги мисрликлар томонидан жорий қилинган. Унга тропик йил асос қилиб олинган. Тропик йил эса Қуёш ясси доираси марказининг 21 мартда рўй берадиган баҳорги тенг кунлик нуқтасидан кетма-кет икки марта ўтиши оралиғидаги вақт бўлиб, 365 кун 5 соат 48 дақиқа 46 сонияга тенгдир.

Илк шамсий тақвимда йил ҳар бири 30 кунлик 12 та ойга бўлинган ва охирида уларнинг йиғиндисига 5 кун қўшилган. Шу тариқа бир йил 365 кундан иборат бўлган.

Шамсий йил ўн икки бурж – Қуёшнинг осмон гумбазидаги йиллик кўринма ҳаракат йўлидаги шунча нуқта ёки ўша доирада жойлашган ўн икки юлдуз туркуми ва улардан ҳар бирининг ҳайвонларга нисбат берилган ҳолда арабча номланган

ва навбатма-навбат келадиган ойлардан иборат.

ҲИЖРИЙ ТАҚВИМ

Ушбу тақвим пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ)нинг Маккадан Мадинага кўчган кун (милодий 622 йил 23 сентябрь) йил боши сифатида қабул қилинган ва янги тақвим ҳижрий йил ҳисоби номини олган.

Ўз навбатида, ҳижрий ҳисоб ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий йилга бўлинади. “Қамарий” (“қамария”) арабча сўз бўлиб, ўзбекчада “ойга тааллуқли” деган маънони англатади. Қадимги миллатлар тақвимда қамарий йилни кўпроқ қўллаган. Унга Ойнинг Қуёш атрофидаги ҳаракатида кетма-кет келган иккита бир хил фаза-си, соддароқ қилиб айтганда, муайян ой пайдо бўлган кундан янги ой туғилгунга қадар ўтган вақт – 29 кун 12 соат 44 дақиқа 3 сония асос қилиб олинган. Демак, 12 ойдан иборат бир қамарий йил 354,36702 кунга тенгдир. Шу боис оддий қамарий йилнинг тоқ ойлари 30 кундан, жуфтлари 29 кундан, жами эса бутун ҳолда 354 кундан

иборат бўлади. Айни чоқда, 354 кундан ортган қолдиқ (0,36702) уч йилда бир кеча-кундуздан ошгани сабабли ўртача уч йилда бир марта қамарий йил узунлиги 355 кун қилиб белгиланади ва арабчада кабиса йил (тўлиқ йил) деб аталади.

МИЛОДИЙ ЙИЛ ҲИСОБИ

Қўҳна Рим тақвиимида ҳам бир йил қадимги мисрликларнинг шамсий тақвимидагидек, 365 кун деб олинган ва унинг ойларга бўлиниши янада мураккаблашган. Устига-устак, иккала тақвимда ҳам йил узунлиги тропик йилдан тахминан 6 соат қисқалиги билан ажралиб турган. Шу сабаб баҳорги тенг кунлик ҳар тўрт йилда бир кунга сурилиб, айрим чалкашликларга сабаб бўлган. Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезарь уларга барҳам бериш ниятида миллоддан аввалги 46-йилда юнон астрономи Созиген таклифи бўйича тақвимга ўзгартиришлар киритган. Унга кўра, ҳар тўрт йилдан бири 366 кунлик (кабиса) йил сифатида қабул қилинган. Йил 12 ойга бўлиниб, тоқлари 31 кун, жуфтлари 30 кун, февраль оyi эса оддий йилларда 28 кун, кабиса йилда 29 кун қилиб белгиланган.

Григорий тақвимидаги биноан, Исо алайҳиссалом туғилган кун илк милодий йилнинг 1 январь ҳисобланади.

Тарихнинг мана шу санага қадар бўлган даври эски эра (миллоддан аввалги), кейинги босқичи эса янги эра (милодий) саналади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар ФВБда сумалак сайли



Сумалак – Наврўз байрамининг шоҳ таоми саналади. Сумалак тайёрлаш анъанасининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. “Сумалак” атамаси – “шарбат учун қилинган”, “ундирилган арпа” маъносини англатувчи қадимги туркий сўз бўлмиш “сума”дан келиб чиққан.

Манбаларда қайд қилинишича, қадимги аждодларимиз эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, муқаддас ўсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва маросим амалларини бажариш чоғида уни тановул этганлар.

Сир эмаски, сумалак тайёрлашда даставвал буғдой маълум вақт ўстирилади. Тайёр ҳолга келган буғдойнинг шираси олиниб, дошқозонга озроқ ёғдан сўнг солинади. Буғдой ширасидан сўнг ун солинади. Шу тариқа сумалак 24 соат давомида пиширилади ва байрам дастурхонига тортлади.

Тошкент шаҳар ФВБда бошқарма раҳбарияти, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда шахсий таркиб ташаббуси билан ушбу шоҳ таом – сумалак тайёрланди.

Тадбир чинакамига сумалак сайлига айланди. Ходимлар ва меҳмонлар дилрабо куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлиб, ўзаро ҳазил-хузул, байрамона кайфиятда тадбирни ўтказдилар.

Ширин таом тайёр бўлгач, барча ундан баҳраманд бўлиб, бугунги дориламон кунлар ва бебаҳо неъматлар учун шукрона келтирдилар.

Ҳилола ТЕМИРОВА,
Тошкент шаҳар ФВБ Хотин-қизлар қўмитаси раиси, подполковник.



Vaziyat

гизетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллодда
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
М.САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 7200 нуска